

Бақара сураси, 266-оят

09:50 / 21.04.2018 4860

Сизлардан бирортангиз хурмолари ва узумлари бор, остидан анҳорлар оқиб турган, ўзи учун у ерда барча мевалар мавжуд бўлган боғи бўлса-ю, заиф зурриёти бўлиб, қарилик етганида, унга оловли бўрон етиб, ёниб битишини истайдими?! Аллоҳ сизларга оятларини ана шундай қилиб баён қилур. Шоядки, фикр юритсангиз. Бақара 266.

Аллоҳнинг йўлида қилинган садақа худди дарахтлари остидан шарқираб сувлар оқиб турган хурмозор ва узумзорга, турли мевали боққа ўхшайди. Бундай боғлар ҳамма учун фойдалидир – кўрган ҳам, кирган ҳам, еган ҳам хурсанд бўлади. Худди шунингдек, Аллоҳ йўлида қилинган садақа берганни ҳам, олганни ҳам, билганни ҳам хурсанд қилади. Ҳаммага ўз даражасида фойда етказди.

«Сизлардан бирортангиз хурмолари ва узумлари бор, остидан анҳорлар оқиб турган, ўзи учун у ерда барча мевалар мавжуд бўлган боғи бўлса-ю...»

Ана шундай олиймақом боғу бўстони бор одам шу боғнинг ўтли бўронда куйиб, тугагини, хусусан, ёши бир жойга етиб, қўлидан бир иш келмай қолган чоғида, унинг қўлига қараб турган заифҳол зурриётлари бор чоғида шундай бўлишини хоҳлайдими?

«...заиф зурриёти бўлиб, қарилик етганида, унга оловли бўрон етиб, ёниб битишини истайдими?!»

Албатта, йўқ. Аллоҳ йўлида садақа қилган одам ҳам гўё ўшандай боғу бўстонга эришган бўлади. Садақа бериб туриб, кетидан миннат қилса ва озор етказса, худди оловли бўрон билан боғини куйдиргандек бўлади. Садақасининг савоби қолмайди.

«Аллоҳ сизларга оятларини ана шундай қилиб баён қилур. Шоядки, фикр юритсангиз».

Шоядки, ўша фикр юритишингиз сизни ихлос билан, ҳеч қандай миннат ва озорсиз садақа қилишга чорласа.